
“Яшил макон”: Маҳалларда дарахт экиш бўйича "долзарб қирқ кунлик" акциясида аҳоли вакиллари фаол иштирок этмоқда

Фурқат туманининг барча ҳудудларида юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш доирасида дарахт экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" акцияси кенг қўламда давом этмоқда. Ўртақўрғон маҳалласида ёши улуғ нуронийлар бошчилигида маҳалла ёшлари билан биргаликда ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, йўл бўйларига мевали ва манзарали дарахтлар, 150 туп сасна кўчатлари экилди. Маълумот ўрнида, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумида туманда 195,9 минг дона манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари, қаламчалари экиш режалаштирилган. 2023 йил баҳор мавсумида эса улар жами 522,5 минг донага етказилади. Дарахт экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" акцияси тумандаги барча маҳаллалар ва масканларда уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

2022-11-08 09:38:30